XALQ DEPUTATLARI FARG‘ONA VILOYATI KENGASHI
Q A R O R I

150100, Farg‘ona sh., Alisher Navoiy k., 15-uy, tel: (73) 244-07-35, e-mail: info@ferghana.uz, www.ferghana.uz

2022 - yil 30 - dekabr VI-52-171-11-0-K/22 Farg‘ona viloyati hokimligi

Фарғона вилоятининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида 2022 йил 22 декабрь куни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида 27 декабрь куни қабул қилинган “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан 2023 йил бюджет параметрлари кўрсаткичлари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 27, 99-моддалари, “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2022 йил 24 октябрдаги 02-957-сонли ва Молия вазирлигининг 2022 йил 29 декабрдаги 01/20-32/1020-сонли хатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 24-моддаларига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Мазкур Қонунга мувофиқ, Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2023 йилги даромадлари **5 437,8 млрд.сўм** ва харажатлари **7 618,9**

млрд.сўмга маълумот учун қабул қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар **2 181,1 млрд.сўм** миқдорида тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидагилар:

Фарғона вилоятининг 2023 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий прогноз кўрсаткичлари **1-илова**га;

вилоят маҳаллий бюджети даромадларининг 2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари **2-илова**га;

вилоятнинг вилоят бюджетидан 2023 йилда ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари **3-илова**га;

туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари **4-илова**га;

Бунда, ажратма меьёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда "Давлат молиясини бошқариш" ахборот тизимига Фарғона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан киритилиши белгилаб қўйилсин.

Вилоят бюджетидан туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари **5-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2023 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми **6-илова**га мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Вилоятнинг вилоят бюджети шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг 2023 йилда йўл қўйиладиган энг кам миқдори 8 830,0 млн. сўм этиб ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори **7-илова**га мувофиқ, шунингдек кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг 1 кв.м. учун мутлақ миқдорда белгиланган минимал қийматга нисбатан киритилаётган камайтирувчи

коэффициентлар **8-илова**га мувофиқ белгилансин.

6. 2023 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажми 24,6 млрд.сўм миқдорида белгилансин.

Бунда,

шаҳарлар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2023 йил учун захира жамғармалари тасдиқланган умумий харажатларининг (бундан жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш маблағлари мустасно) камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин;

вилоят, туман ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағларини Бюджет кодексининг 73-моддасига мувофиқ, бюджет тизими бюджетлари шакллантирилаётганда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин;

маҳаллий бюджетларни ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетларнинг захира жамғармалари миқдорларига аниқлаштириш киритилмасин.

7. Қонун билан халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2023 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар:

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

айрим товарларни чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари,

ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат бюджети даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

бўш турган давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан тушган тушумлар;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳуқуқини сотишдан тушган тушумлар;

бошқа тушумлар (ушбу бандниng “в” ва “г” қисмларида назарда тутилган даромадлардан ташқари барча даромадлар, шу жумладан туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг бошқа тушумлари ҳамда бюджет ташкилотлари асосий воситалари сотилишидан туман ва шаҳар бюджетларига тушумлар) вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиғича ўтказилиши;;

б) Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво ҳамда тамаки учун акциз солиғидан тушумлар 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилиши;

в) Қуйидаги солиқ турлари:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

айланмадан солиқ;

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

давлат мулки бўйича ижара тўловларидан тушадиган тушумлар ҳамда бошқа тушумлар шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилиши;

г) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ туридан тушумларнинг барча шаҳар ва туманларда 50 фоизи;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималарнинг вилоят бюджетига 70 фоизи шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетига 30 фоизи;

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализацияси қилишдаги акциз солиғидан тушумларнинг барча шаҳар ва туманларда 20 фоизи;

жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғидан тушумларнинг (якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) Фарғона шаҳридан ташқари барча шаҳар ва туманларда 50 фоизи;

юридик шахслар фойдасидан солиқ бўйича тушумларнинг фақат Фарғона шаҳрига 50 фоизи ўтказилади;

юридик шахслар ер ва мол-мулк солиқлағи ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғидан тушумларнинг барча шаҳар ва туманларда 50 фоизи;

ер участкаларига бўлган хуқуқларни сотишдан тушган тушумлар вилоят ҳамда шаҳар ва туманларда тенг улушларда 50 фоиз;

агар қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, даромаднинг ушбу тури вилоят бюджетига ўтказилади.

8. Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари А.Уринбоев, вилоят молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев), Давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда 2023 йил маҳаллий бюджети учун белгиланган кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Белгилансинки:

барча туман ва шаҳар ҳокимликлари, масъул бошқарма ва ташкилотлар томонидан 2023 йилда бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва

масъулиятни янада кучайтириш, тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушимини таъминлаш ҳамда бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

10. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) ҳудудий солиқ органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини ўрнатиш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлилилар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самарали ташкил этиб бориш вазифалари юклатилсин.

11. Мажбурий ижро бюроси Фарғона вилоят бошқармаси (А.Алимов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсинлар ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

12. Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси (Х.Сирожиддинов) Бўш турган объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси (Э.Эшонов) билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича доимий равишда хатлов ишларини ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра вилоятда мавжуд бўш турган давлат мулки

объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштириши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини “Э-ижро аукцион” майончаси орқали сотиш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

13. Монополияга қарши кўрашиш қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси (А.Холматов) туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузсинлар ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатилишини таъминласинлар.

14. Сирдарё-Сўх иригация тизимлари хавза бошқармаси (Ф.Турсунов) ва вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) туман ва шаҳар ҳокимлари билан биргаликда вилоятда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

Бунда, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресуслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

15. Вилоят ички ишлар бошқармаси (М.Жўраев), вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Ф.Тошкентбоев), вилоят адлия бошқармаси (А.Буриев) вилоятда бюджетга ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида тўлиқ маҳаллий бюджетга ундириш чораларини кўриб борсинлар.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-409-сонли қарорига асосан 2023 молия йилидан бошлаб:

а) “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланиши.

Бунда, аҳоли томонидан амалга оширилиши таклиф этилаётган тадбирлар ҳар бир маҳалла бўйича битта лойиҳалар пакети шаклида овозга қўйилиши;

б) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳарининг шаҳар бюджетида шаклланган қўшимча маблағларнинг 30 фоизи туман (шаҳар)ларда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун туман (шаҳар)лар “Фуқаролар ташаббуси” жамғармаларига мавжуд аҳоли сони ва маҳаллалар сонидан келиб чиқиб, тенг улушларда йўналтирилиши;

в) ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари учун туман (шаҳар) бюджетларининг 5 фоизи миқдорида, бироқ камида 6 миллиард сўм маблағ режалаштирилиши белгиланганлиги;

г) “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга оширилишининг янги тартиби ишлаб чиқилиши кўзда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

17. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Уринбоев, халқ депутатлари вилояти Кенгаши котибияти, туман ва шаҳар ҳокимликлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари:

Бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш;

солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

тегишлилиги равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалари бўйича ҳисоботларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига киритиб борилишини таъминласин.

18. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Уринбоев, Молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев), Давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда Фарғона вилоятининг 2023 йилги маҳаллий бюджети лойихасида белгиланган кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

19. Белгилансинки:

вилоят, туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг
10 санасига қадар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари кесимида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот чорагининг якунларига кўра, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 санасига қадарЎзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Очиқ бюджет” ахборот порталигажойлаштирилиши таъминлансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фарғона вилоятидаги давлат молиявий назорати бошқармаси (С.Жўраев), Молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев) ажратилган маблағларни мақсадли ишлатилишини назорат қилиб бориш, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чоракда халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида ахборот бериб бориш вазифалари юклатилсин.

21. Туман (шаҳар) ҳокимликлари, масъул бошқарма ва ташкилотлар ҳамда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар ҳар чоракда бюджет маълумотларининг очиқлигини таъминлаш ҳамда бюджет шаклланишида ва ижросида жамоатчилик иштирокини фаоллаштириш юзасидан ҳудудларда муҳокамалар ва тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бориш чораларини кўрсин.

22. Барча туман (шаҳар) ҳокимлари:

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодекси»нинг 28-моддасида белгиланган бюджет соҳасидаги ваколатларидан келиб чиқиб, Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига тушумлар тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ҳамда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатсин.

23. Вилоят Молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев) туман (шаҳар) молия бўлимлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодекси”нинг 30-моддасида белгиланган бюджет соҳасидаги ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни уларнинг манбалари кесимида тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан мониторингни амалга ошириш;

тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқлаш;

тегишли бюджетларнинг маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар харажатларини мақбуллаштиришни амалга ошириб бориш чораларини кўриб борсин.

24. Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларига:

маҳаллий ҳокимликлар, масъул бошқарма ва ташкилотлар томонидан 2023 йил учун белгиланган бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминланиши, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилиши, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишлари юзасидан амалга оширилаётган ишлар аҳволи бўйича депутатлик назоратини ўрнатсин.

Бунда амалга ошираётган ишларини мониторинг қилган ҳолда ўрганиб бориш, натижаларини маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссиялари йиғилишлари ҳамда Кенгаш сессияларида маҳокама қилиш, соха масъуллари ва туман (шаҳар) ҳокимларнинг маҳаллий Кенгаш сессияларида ахборотларни тинглаб бориш тавсия этилсин.

25. Вилоят ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

26. Мазкур қарор тегишли таҳририятлар ва оммавий ахборот воситаларида ёритилиши тавсия этилсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

27. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

28. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (Р.Камолов) ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринюосари А.Уринбоев зиммасига юклансин.

Кенгаш раҳбари **Х.Бозаров**

Xalq deputatlari Farg‘ona viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-52-171-11-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

Фарғона вилоятининг 2023 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2024-2025 йилга мўлжаллари

млн.сўмда

№	Кўрсаткичлар	2023 йил учун прогноз	Мўлжал	
			2024 йил	2025 йил
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	65 241,9	79 784,8	92 422,3
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	105,2	105,6	105,8
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	110,7	111,2	111,4
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	107,8	108,0	108,2
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	103,5	103,7	103,9
6.	Жами хизмат кўрсатиш соҳаларининг ўсиш суръати, фоизда	112,1	113,7	114,8

Xalq deputatlari Farg‘ona viloyat Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-52-171-11-0-K/22-son qaroriga
2-ilova

Фарғона вилоятининг вилоят маҳаллий бюджетининг даромадларининг

2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
ЖАМИ		**2 991 660 500,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	580 209 000,0
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 215 970 500,0
4	Қўшилган қиймат солиғи	
5	Акциз солиғи, жами	**379 515 200,0**
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*379 515 200,0*
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	86 098 000,0

7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	
8	Юридик шахслар ер солиғи	133 861 000,0
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	
10	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	33 072 500,0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	36 640 000,0
12	Давлат божи	273 718 000,0
13	Жарималар	117 116 300,0
14	Давлат мулкини хусусийлаштириш	25 000 000,0
15	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	3 302 000,0
16	Йиғимлар	107 158 000,0

Xalq deputatlari Farg‘ona viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-52-171-11-0-K/22-son qaroriga
3-ilova

2023 йил учун Фарғона вилоятининг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларга ажратилган маблағларнинг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар номи	Чекланган миқдорлар
Харажатлар миқдори, Жами		**5 172 703 665,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**2 658 724 505,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**279 069 962,0**
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**2 234 909 198,0**
1.	**Халқ таълими бошқармаси**	**367 375 080,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**209 815 284,0**
	шундан:	
	"Ёшлик" спорт маркази харажатлари	473 895,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	157 559 796,0
2.	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**77 301 301,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**13 810 235,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	63 491 066,0
3.	**Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси**	**1 262 832,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 262 832,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**884 646 191,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**846 873 791,0**
	шундан:	
	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси марказий аппарати	3 293 075,0
	Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази филиали	2 510 648,0
	Болалар ижтимоий мослашуви маркази	1 661 437,0
	Соғликни сақлаш бошқармаси кутубхонаси	112 483,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	37 772 400,0
5.	**Маданият бошқармаси**	**55 227 313,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**55 227 313,0**
	шундан:	
	Маданият бошқармаси марказий аппарати	1 113 317,0
	Мақом ва санъат мактаблари	23 255 958,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6.	**Республика Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилояти бўлими**	**4 176 670,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**4 176 670,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	**Спортни ривожлантириш бош бошқармаси**	**66 082 718,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**66 082 718,0**
	шундан	
	Спортни ривожлантириш бош бошқармаси марказий аппарати	5 227 774,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8.	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**56 994 685,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**56 994 685,0**
	шундан:	
	Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг худудий бўлимларини сақлаш харажатлари	4 721 431,0
	Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари	16 656 000,0
	Иссиқлик таъминоти тизими ташкилотлари харажатлари	2 541 000,0
	Кўп квартирали уй-жойларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш харажатлари	33 076 254,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**3 054 762,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**3 054 762,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10.	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**417 583 722,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**412 218 722,0**
	шундан:	

	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	**36 850 000,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	5 365 000,0
11.	**Ўрмон хўжалик бошқармаси**	**6 320 157,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**6 320 157,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12.	**Транспорт бошқармаси**	**12 468 355,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**12 468 355,0**
	шундан:	
	Автобус йўналишларининг йиллик субсидиялаш харажатлари	**8 309 808,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13.	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**8 730 078,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**8 730 078,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
14.	**Вилояти Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси**	**12 002 178,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**12 002 178,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15.	**Фарғона вилоят Тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаси**	**106 578 228,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**106 578 228,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16.	**Ветеринария бошқармаси**	**6 056 782,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**6 056 782,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17.	**Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси**	**2 050 405,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**2 050 405,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18.	**Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгаши котибияти**	**5 642 417,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**5 642 417,0**
	шундан:	
	Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди	**5 157 313,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19.	**Бандлик бош бошқармаси**	**2 348 523,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**2 348 523,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20.	**Қурилиш бош бошқармаси**	**3 354 863,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**3 354 863,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21.	**Президент таълим муассасалари агентлигининг вилоят ҳудудий бўлими**	**114 596 760,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**114 596 760,0**
	шундан	
	Президент таълим муассасалари агентлигининг вилоят ҳудудий бўлими марказий аппарати	**327 578,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22.	**Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигининг вилоят ҳудудий бўлими**	**241 040,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**241 040,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23.	**Адлия бошқармаси**	**12 990 717,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**12 990 717,0**
	шундан:	
	Давлат хизматлари Агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси ФҲДЁ бўлимлари сақлаш харажатлари	4 044 117,0
	Юридик хизматлар марказлари	4 431 541,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
24.	**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси**	**20 468 019,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**20 468 019,0**
	шундан:	
	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг вилоят бошқармаси	**1 939 926,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25.	**Молия бош бошқармаси**	**2 249 116 075,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**14 206 877,0**
	шундан:	
	Ҳудудий молия органларининг малака ошириш харажатлари	250 000,0

	Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари	5 000 000,0
	Адвокатлик хизматлари харажатлари	3 600 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига тартибга солувчи трансфертлар	2 234 909 198,0
26.	**Туризм ва маданий мерос бошқармаси**	**8 523 289,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**8 523 289,0**
	шундан:	
	Давлат музейларини сақлаш харажатлари	**5 998 091,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
27.	**Давлат ҳокимият органлари**	**558 663 216,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**543 781 516,0**
	шундан:	
	Ҳокимлик ижтимоий мослашиш маркази бўлимлари	135 397,0
	Захира жамғармаси	24 654 798,0
	Қабуллар уйи	2 553 389,0
	Халқ қабулхонаси	9 994 642,0
	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси (Обод қишлоқ ва обод маҳалла)	447 659 734,0
	Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курси	773 860,0
	Президент мактабларини қуриш учун жалб этилган қарз маблағларини қайтариш харажатлари	50 000 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	14 881 700,0
28.	**Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси**	**1 815 278,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 815 278,0**
	шундан:	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
29.	**Оила ва хотин-қизлар бошқармаси**	**1 787 092,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 787 092,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
30.	**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси**	**1 778 144,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 778 144,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
31.	**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси**	**3 250 301,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**3 250 301,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
32.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспецияси Фарғона вилояти бошқармаси**	**9 580 475,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**9 580 475,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
33.	**Давлат архиви бошқармаси**	**3 945 585,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**3 945 585,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34.	**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси**	**29 621 390,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**29 621 390,0**
	шундан:	
	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси ходимларини малака ошириш харажатлари	200 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
35.	**Фарғона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси**	**15 079 333,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**15 079 333,0**
	Ғазначилик органлари ходимларини малака ошириш харажатлари	**100 000,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
36.	**Сайлов комиссисиялари**	**69 385,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**69 385,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37.	**Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси**	**14 920 441,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**14 920 441,0**
	шундан:	
	Фарғона вилояти Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизмати	1 903 300,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
38.	**Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси**	**689 472,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**689 472,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
39.	**Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари**	**167 390,0**

	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**167 390,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
40.	**Бошқа ташкилотлар**	**26 143 003,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**26 143 003,0**
	шундан:	
	Мудофаа, махсус база ва Ички ишлар органлари билан боғлиқ харажатлар	26 143 003,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

** Молия бош бошқармаси харажатлари таркибига шаҳар ва туманлар маҳаллий маҳаллий бюджетларига ўтказиб бериладиган тартибга солувчи трансфертлар киритилган.*

Xalq deputatlari Farg‘ona viloyat Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-52-171-11-0-K/22-son qaroriga
4-ilova

2023 йил учун бюджет даромадларининг маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши бўйича ажратма меъёрлари

фоиз ҳисобида

Т/Р	Шаҳар ва туманлар номи	Корхоналар айланмасидан солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан ундирила диган фойда солиғи	Бензин, дизел ёқилғиси ва газни якуний истеъмол чиларга реализация қилишдаги акциз солиқ	Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан ер солиғи	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдалан ганлик учун солиқ	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	Сув ресурслари дан фойдалан ганлик учун солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жарималар
1	Фарғона шаҳар	100	0	100	50	20	100	100	50	100	50	50	50	30
2	Қўқон шаҳар	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
3	Қувасой шаҳар	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
4	Маргилон шаҳар	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
5	Олтиариқ тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
6	Боғдод тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
7	Бувайда тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
8	Бешариқ тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
9	Қува тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
10	Учқўприқ тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
11	Риштон тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
12	Сўх тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
13	Тошлоқ тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
14	Ўзбекистон тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
15	Фарғона тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
16	Данғара тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
17	Фурқат тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
18	Ёзёвон тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30
19	Қўштепа тумани	100	50	100	0	20	100	100	50	100	50	50	50	30

Xalq deputatlari Farg‘ona viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-52-171-11-0-K/22-son qaroriga
5-ilova

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2023 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

№	Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори жами
	ЖАМИ	**2 234 909 198,0**
	шундан	
1	Фарғона шаҳар	47 002 534,0
2	Қўқон шаҳар	103 314 671,0
3	Қувасой шаҳар	54 042 083,0
4	Маргилон шаҳар	133 196 106,0
5	Олтиариқ тумани	121 552 544,0
6	Боғдод тумани	151 538 814,0
7	Бувайда тумани	139 322 414,0
8	Бешариқ тумани	143 338 253,0
9	Қува тумани	178 250 891,0
10	Учкўприк тумани	126 118 712,0
11	Риштон тумани	156 374 195,0
12	Сўх тумани	109 393 960,0
13	Тошлоқ тумани	100 618 844,0
14	Ўзбекистон тумани	135 368 593,0
15	Фарғона тумани	111 758 404,0
16	Данғара тумани	114 545 137,0
17	Фурқат тумани	102 856 931,0
18	Ёзёвон тумани	92 357 996,0
19	Қўштепа тумани	113 958 116,0

Xalq deputatlari Farg‘ona viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-52-171-11-0-K/22-son qaroriga
6-ilova

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2023 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

№	Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ		**2 446 177 704,0**	**4 681 086 902,0**
1	Фарғона шаҳар	313 904 481,0	360 907 015,0
2	Қўқон шаҳар	278 869 960,0	382 184 631,0
3	Қувасой шаҳар	94 415 035,0	148 457 118,0
4	Маргилон шаҳар	158 298 193,0	291 494 299,0
5	Олтиариқ тумани	128 374 883,0	249 927 427,0
6	Боғдод тумани	113 794 240,0	265 333 054,0
7	Бувайда тумани	116 561 968,0	255 884 382,0
8	Бешариқ тумани	118 485 221,0	261 823 474,0
9	Қува тумани	141 845 420,0	320 096 311,0
10	Учкўприк тумани	128 911 976,0	255 030 688,0
11	Риштон тумани	109 239 942,0	265 614 137,0
12	Сўх тумани	18 523 691,0	127 917 651,0
13	Тошлоқ тумани	120 206 172,0	220 825 016,0
14	Ўзбекистон тумани	132 881 008,0	268 249 601,0
15	Фарғона тумани	139 702 420,0	251 460 824,0
16	Данғара тумани	95 503 185,0	210 048 322,0
17	Фурқат тумани	60 571 746,0	163 428 677,0
18	Ёзёвон тумани	70 331 415,0	162 689 411,0
19	Қўштепа тумани	105 756 748,0	219 714 864,0

Xalq deputatlari Farg‘ona viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-52-171-11-0-K/22-son qaroriga
7-ilova

2023 йилда вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларида айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**26 900 000,0**
1	Вилоят бюджети	8 830 000,0
2	Фарғона шаҳар	2 523 000,0
3	Қўқон шаҳар	2 094 000,0
4	Қувасой шаҳар	782 000,0
5	Маргилон шаҳар	1 586 000,0
6	Олтиариқ тумани	927 000,0
7	Боғдод тумани	821 000,0
8	Бувайда тумани	751 000,0
9	Бешариқ тумани	688 000,0
10	Қува тумани	1 034 000,0
11	Учкўприк тумани	767 000,0
12	Риштон тумани	812 000,0
13	Сўх тумани	247 000,0
14	Тошлоқ тумани	883 000,0
15	Ўзбекистон тумани	719 000,0
16	Фарғона тумани	987 000,0
17	Данғара тумани	727 000,0
18	Фурқат тумани	474 000,0
19	Ёзёвон тумани	479 000,0
20	Қўштепа тумани	769 000,0

Xalq deputatlari Farg‘ona viloyat
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-52-171-11-0-K/22-son qaroriga
8-ilova

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг 1 кв.м. учун мутлақ миқдорда белгиланган минимал қийматга нисбатан киритилаётган камайтирувчи коэффициентлар

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Коэффициент (0,5 дан)**	**Минимал миқдор 2023 йил учун**
1	Олтиариқ тумани	0,80	800,0
2	Боғдод тумани	0,80	800,0
3	Бувайда тумани	0,80	800,0
4	Бешариқ тумани	0,80	800,0
5	Қува тумани	0,80	800,0
6	Учкўприк тумани	0,80	800,0
7	Риштон тумани	0,80	800,0
8	Сўх тумани	0,70	700,0
9	Тошлоқ тумани	0,80	800,0
10	Ўзбекистон тумани	0,80	800,0
11	Фарғона тумани	0,80	800,0
12	Данғара тумани	0,80	800,0
13	Фурқат тумани	0,70	700,0
14	Ёзёвон тумани	0,70	700,0
15	Қўштепа тумани	0,70	700,0